



КАЗАКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ЖОГАРЫ БІЛІМ МИНИСТРЛІГІ
МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ОЛИЙ ТАЛЬИМ ВАЗИРЛІГІ
MINISTRY OF EDUCATION AND SCIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN

ЖУМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТІ
ЖУМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ НОМДЫ УНИВЕРСИТЕТ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ЖУМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВА
TASHNEV UNIVERSITY

Көрнекті мемлекеттік кайраткері, дәнкіты колбасшы, ұлы ғұлама, ақын, тарихшы
Захириддин Мұхаммед Бабырдың 540 жылдығына



**«ЗАХИРИДДИН МУХАММЕД БАБЫРДЫҢ
ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ»**
халықаралық ғылыми-практикалық конференция материалдары
24-25 акпан, 2023ж.

**«ТВОРЧЕСТВО ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА И
МИРОВАЯ КУЛЬТУРА»**
материалы международной научно-практической конференции
24-25 февраля 2023г.

**«ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ЖАҲОН
МАДАНИЯТИ»**
халқаро илмий-амалий конференция материаллари
24-25 февраль, 2023ж.

**«CREATIVITY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR AND
WORLD CULTURE»**
materials of the international scientific-practical conference

February 24-25, 2023



February 24-25, 2023 year, Shymkent

«Захириддин Мұхаммед Бабурдың шығармашылығы және әлем мәдениеті»
тақырыбындағы халықаралық ғылыми-практикалық конференция материалдары



ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ЖОГАРЫ БІЛІМ МИНИСТРЛІГІ
МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН
ҚОЗОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF EDUCATION AND SCIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN

ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖУМАБЕК АХМЕТУЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТАШЕНЕВА
TASHENEV UNIVERSITY



**«ЗАХИРИДДИН МУХАММЕД БАБУРДЫҢ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ
ӘЛЕМ МӘДЕНИЕТІ»**

тақырыбындағы халықаралық ғылыми-практикалық конференция

материалдары

24-25 ақпан, 2023ж.

1-том

**«ТВОРЧЕСТВО ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА И МИРОВАЯ
КУЛЬТУРА»**

материалы международной научно-практической конференции
24-25 февраля 2023г.

1-том

**«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ЖАҲОН
МАДАНИЯТИ»**

мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари
24-25 февраль, 2023ж.

1-том

**«CREATIVITY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR AND WORLD
CULTURE»**

Collection of materials the international scientific and practical conferences
February 24-25, 2023 y.

ISBN 978-9965-899-95-9



Шымкент, 2023



МУҲАММАД АМИНХЎЖА МУҚИМИЙ “САЁХАТНОМА” АСАРИ МАТН ТАРИХИ

Кўлдош Пардаев,
филология фанлари доктори, Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
email:kuldashparda@mail.ru, тел: +998909376586
Шахло Наралиева,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Жумабек Ташенев номидаги университет(Қозогистон Республикаси)

Аннотация. Мақала ұлттық қайта өрлеу дәүіріндегі өзбек әдебиетінің белгілі өкілі Мұхаммед Эминқожа Муқимидің «Саяхат» шығармасы мәтінінің тарихын зерттеуге арналған. Жұмысты талдау Өзбекстан Фылым академиясының Шығыстану институтының қорында сақталған 7521, 1325, 5666, 6352 нөмірлі қолжазбалар тізіміндегі «Саёхатнома» мәтіндері негізінде жасалған. Қажет болған жағдайда жұмыс мәтіні оның ағымдағы басылымдардағы көшірмелерімен салыстырылады. «Саяхаттың» жалпы көлемі төрт жолдан тұратыны, әрбір абзацы шын мәнінде 77 абзац – 308 тармақ екені, қолда бар басылымдарға сүйене отырып, енбектің тек 244 жолы ғана ғылыми қауымга белгілі екені анықталды. Сонымен қатар, «Саяхаттың» мәтіні коммунистік идеологияның талабы негізінде «идеологиялық редакциялауға» ұшырап, соның салдарынан, біріншіден, шығармадағы бар идеяның мәні бұлышырып, екіншіден, мәтінге шығармада жоқ идеялар енгізілгеніне баға берілді.

Түйін сөздер: мәтінтану, саяхатнама жанры, қолжазба дереккөзі, шығарма, мәтін, мәтін тарихы, идеялық редакциялау, түпнұсқалық, басылым нұсқасы, ғылыми түсіндіру, шығармашылық жоспар.

Ўзбек шеъриятида саёхатнома жанрининг шаклланиши Муқимий ижоди билан бөглиқ, деб талқын этилади. Профессор Ғулом Каримов бир хил рух, бир хил тематика ва муштарақ бадиий хусусиятлар билан харakterланадиган саёхатнома жанрига XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек адабиётида Муқимий асос солғани ва такомиллашиб боргани ҳақида ёзган эди. Олимнинг таъкидлашича, саёхатномаларнинг асосий хусусиятлари куйидагилардир: а) улар түртликлар системасыда, ўзига хос қофия усулида (а-а-а-с, б-б-б-с, в-в-в-с каби) ёзилған; б) ҳар бандининг охирги – түртінчи мисрасыда “экан” сүзи радиф ўрнида келған; в) арузнинг ражази мусаммані солим (мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун) вазнида битилған [Каримов, 1970: 222-223].

Маълумки, Муқимий асос солған бу жанр шоирнинг Фурқат, Завқий, Тажаллий сингари замондошлари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Бизгача Фурқат саёхатномасининг муайян қисми етиб келған бўлса, Тажаллий саёхатномасидан айрим парчаларгина маълум, холос. Шунга кўра, Муқимий “Саёхатнома”си ушбу жанр хусусиятларини ўзида тўлиқ мужассам этгани билан алоҳида ажralиб туради.

Асарнинг матн тарихи. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, матн тарихи кўллэзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва ҳатто манбани



күчирған котибнинг дунёқарашы ва ғоясими ўрганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рүёбга чиқишидан унинг яратилишига у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа адабий ёдгорликлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тадқиқигача бўлган барча жараёнларни қамраб олади [Жабборов, 2019: 9]. Матн тарихига бундай ёндашув рус матншуноси Д.С.Лихачевнинг: “Матн тарихи тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини қамраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради” [Лихачев, 2001: 33] деган фикрига аниқлик киритади ҳамда уни тўлдиради.

Илмий изланишлар шоир назмий асарлари матни тарихини тўлақонли тадқиқ қилиш учун қуидаги омилларга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади: а) асар ёзилишига таъсир кўрсатган омиллар, ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиши жараёни; б) асарнинг кўлёзма манбалардаги китобат тарихи; в) асарнинг жорий нашрлардаги матни масаласи; г) асар илмий талқинларининг матн тарихи билан боғликлиги.

Асар ёзилишига таъсир кўрсатган омиллар, ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиши жараёни. Асар матни тарихини ўрганишда унга оид бевосита ва билвосита маълумотлар кўлами матннинг илмий ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қиласи. Чунки “ҳеч бир ёдгорлик танҳоликда мавжуд эмас” [Лихачев, 2001, 62]. Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳар қандай “асар муайян алоқадор омиллар қуршовида юзага келади ва уни ўрганишда ана шу омилларнинг таъсирини унутмаслик керак” [Шодмонов, 2009:22]. *Бевосита маълумотлар – тўғридан-тўғри асарнинг ўзидан олинадиган маълумотлардир.*

Муаллифнинг саёҳатга чиқиши сабаблари асарда мана бундай изоҳланади:

*Афлок қажрафтор учун,
Ҳардам кўнгил афгор учун,
Хўқанд тангу тор учун,
Саҳро чиқши даркор экан.*

Иқтибосдан маълум бўлишича, шоирнинг шаҳарда туролмай, қишлоқ-саҳролар сайри воситасида ўз кўнглини юпатиш, дард-аламларини бир оз бўлсада унтиши орзузи асар яратилишининг асосий сабаби. “Саёҳатнома”нинг тахминан 1890 йил атрофларида ёзилгани ҳисобга олинса, унинг қандай оғир шароитда яратилгани маълум бўлади” [Каримов, 1970: 277]. Бу даврда яратилган “Саёҳатнома”лар услуби, вазни, қоғияси Муқимий “Саёҳатнома”си билан бир хил. Бунга Фурқат, Завқий ва Тажаллий “Саёҳатнома”ларини мисол қилиш мумкин. Жумладан, Завқий “Шоҳимардон хотираси” мавзуидаги саёҳатномасида мана бундай ёзади:

*Бўлса керак бул төглар,
Кам-кам чиройли боғлар,
Ҳеч кимса кўрмас доғлар,
Кўнгли аро қолган экан.*

Кўринадики, Завқий “Саёҳатнома”си Муқимийнинг ижодий таъсири натижасида яратилган.

Асарнинг кўлёзма манбалардаги китобат тарихи. Асар матни Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган тўрт



қүләзма манбада – 7521, 1325, 5666, 6352 инвентарь рақамли баёзлар таркибида учрайди. Шундан, 7521, 1325 рақамли баёзлар таркибиға “Саёхатнома”нинг 21 банддан таркиб топган “Күкөндөн Исфарага” қисми киритилган. 5666 рақамли қүләзма баёзда асли 30 банд бўлган “Күкөндөн Шоҳимардонга” қисмидан 12 банди берилиб, қолган 18 банди тушириб қолдирилган. 6352 рақамли қүләзма баёзда эса “Саёхатнома”нинг “Күкөндөн Шоҳимардонга” ва “Күкөндөн Фарғонага” қисмлари тўлиқ кўчирилган. “Саёхатнома”нинг “Исфара саёхати” деб номланган қисми (11 банд) Ҳоди Зарифов китобида берилган бўлиб [Зарифов, 1955: 44-45], қүләзма баёзларда учрамайди. “Саёхатнома”нинг 7521 рақамли қүләзма баёзга кирган “Күкөндөн Исфарага” қисми 1325 рақамли баёзга шоир таҳриридан сўнг қайта ишланиб кўчирилган. Шу жиҳатдан, аксар муқимийшунос олимлар тадқиқотлари учун 1325 рақамли баёз асос қилиб олинган.

“Саёхатнома”нинг 13-банди 5666 рақамли қүләзма баёзда ($80^{\text{б}}$ -саҳифа) бир мисраси тушириб қолдирилган ҳолда кўчирилган:

*Аммо назарда “Рошидон”,
Фирдавс bogidin nishon,
Жомеълари оби равон, –*

Мазкур тушириб қолдирилган мисрани 6352 рақамли қүләзма баёз ($181^{\text{б}}$ -саҳифа) орқали тиклаш мумкин:

*Аммо назарда “Рошидон”,
Фирдавс bogidin nishon,
Жомеълари оби равон,
Сахни гулгу гулзор экан. –*

Шунингдек, мазкур саёхатноманинг 10-банди 5666 рақамли қүләзма баёзда ($80^{\text{б}}$ -саҳифа):

*Боз издиҳоми воизи,
Бадқайф очилмайдур кўзи,
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари гулёр экан –*

тарзида берилган. 6352 рақамли баёзда ($182^{\text{б}}$ -саҳифа) эса тўртинчи мисраси “Эрмаклари кўкнор экан” шаклида учрайди. Маълум бўладики, биринчи банддаги бир мисранинг тушиб қолиши котибининг эътиборсизлиги бўлса, кейинги банддаги сўз онгли равишда ўзгартирилган.

“Саёхатнома”нинг қўләзма манбалардаги матнида бундай фарқли, нуқсонли ўринлар кўп учрайди. Матнаги бу каби нуқсонларни қўләзмаларни қиёсий таҳлил этиш орқалигина бартараф этиш мумкин.

Асарнинг жорий нашрлардаги матни масаласи. Муқимий асарларининг мавжуд барча нашрларида асар матни қисқартиришларга учраган. Бундан ташқари, уларда кўплаб матний тафовутлар мавжуд. Жумладан, “Саёхатнома”нинг “Күкөндөн Шоҳимардонга” деб номланган қисмининг Fafur Fулом тайёрлаган 1942 йилги нашр нусхасини 6352 рақамли баёздаги матнга қиёслаганда кўплаб қисқартиришлар, бандлар таркибидаги мисра, сўз ва жумлалар ўзгаришга учрагани кузатилади. Бу ҳол кейинги нашрларга ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, мазкур нашрда асарнинг 18-банди қуйидагича берилган:



*Күрдим чуқур “Чимён” әрур,
Ер остида зиндон әрур,
Душманлари меҳмон әрур,
Боги унинг тутзор экан.*

6352 рақамли баёзда эса(182^{а-б} -сахифа):

*Күрдим чуқур “Чимён” әрур,
Ер остида зиндон әрур,
Душманлари меҳмон әрур,
Мардумлари таррор экан.*

Банднинг 4-мисрасидаги “Мардумлари таррор экан” жумласи “Боги унинг тутзор экан” тарзида таҳрир килиниши матнга нұқсон етказиши баробарида муаллиф ижодий нияти нотұғри талқын этилишига сабаб бўлган. Бундай ҳолни асарнинг мазкур қисми 8-бандида ҳам кузатиш мумкин. Муқимий асарлари барча нашрларида мазкур банд қуидагича:

*Унда бўлус Fози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.*

6352 рақамли баёз (181^б– сахифа) билан қиёслаганда, ушбу банд мазмунни тамомила ўзгача экани аён бўлади:

*Анда бўлус ҳожси деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрти ҳама рози деди,
Бечора беозор экан.*

Бу ўринда Муқимий асаридаги мазмун тамомила тескари талқинга айлантирилган. Юрни рози қилган, одамлар кўнглига озор етказмаган бўлус дилозор, золимга айлантирилган.

“Саёҳатнома”нинг бешинчи банди ҳам таҳрир қилинган. Таҳрир натижасида “бир дониш” сўзи “бедониш”га, “бекор” сўзи “бадкор”га айланган. Табиийки, бу таҳрир ҳам асар моҳиятига путур етказган. Шоир асарлари жорий нашрларида банд қуидагича келади:

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир “Кўштегирмонлик” киши,
Хўжса Исо бадкор экан.*

Аслиятдаги матн нашр нусхасидан фарқ қиласи:

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бир дониши,
Бир “Кўштегирмонлик” киши,
Хўжса Исо бекор экан.*

“Саёҳатнома”нинг мазкур банди ҳакида профессор Гулом Каримов мана бундай ёзади: “5666 рақамли кўлёзма баёзда “Саёҳатнома” тексти берилган, лекин шундай катта ўзгариш, тузатиш, “таҳрир” билан берилганки, асарнинг foявий йўналиши остин-устун бўлиб кетган” [Каримов, 1957:26].

Масалага илмий ёндашув бошқача хulosага олиб келади. Биринчидан, 6352 рақамли баёз билан қиёсий таҳлил этилганда, 5666 рақамли кўлёзмадаги



матн түғри экани аниқланды. Иккинчидан, муқимийшунос олимлар “Саёхатнома”нинг манбаси ҳақида бирон жойда фикр билдирмайды. 6352-рақамли баёзда “Саёхатнома”нинг мазкур қисми түлиқ берилган. Барча нашрларда қуидаги банд асарнинг “Кўқондан Исфарага” деб номланган қисмiga ўтказилган:

*Бешер эмасдур бешалар,
Бордур саҳоватпешалар,
Қилманг ёмон андешалар,
Яхшилари ҳам бор экан.*

Аслида, 6352 рақамли баёз билан қиёсланганды, асарнинг ушбу банди “Кўқондан Шоҳимардонга” қисмiga тегишли экани маълум бўлади. Эргашали Шодиев бу ҳақда қуидагича фикр билдирган: “Муқимий асарлари билан боғлик яна бир масала “Саёхатнома”ларга тегишилдири. “Саёхатнома”ларнинг ҳозирги нашрларида тўртликлар ўрни сезиларли даражада ўзгариб кетган. Оқибатда жой номлари ҳам чалкашиб кетган. Кейинги нашрларда ана шу чалкашликларни бартараф килиш керак” [Шодиев, 1973: 57].

Барча нашрларда “Саёхатнома”нинг “Кўқондан Шоҳимардонга” қисмидан 11 банд тушириб қолдирилган. Асарнинг шу пайтгача илм ахлига маълум бўлмай келган уч банди 6352 рақамли баёз(183^б-саҳифа) асосида тикланди:

*Тангрига кўнгил бойлайин,
Бориб зиёрат айлайин,
Ёндим боролмай наилайин,
Устод муриди кор экан.*

*Армон зиёрат қилмадим,
Бир кеча ётиб келмадим,
Кўз бирла кўриб билмадим,
Хуш баҳри файзосор экан.*

*Шокир нойиби волости,
Ҳимматда денг ҳотамтоиي,
Келганда бир меҳмонишави,
Жонигача ийсор экан.*

Саёхатнома”нинг “Кўқондан Фарғонага” қисмидан ҳам 4 банд қисқартирилиб нашр этилгани жорий нашрларнинг талаб даражасида эмаслигини тасдиқлайди.

Асар илмий талқинларининг матн тарихи билан боғлиқлиги. Табиийки, нуқсонли матн устида олиб борилган адабиётшунослик тадқиқоти шоир ёки адаб асари моҳиятига зид экани жиҳатидан илмий қимматини йўқотади. Айрим монографиялар ва мақолаларда “Саёхатнома” хато матн асосида нотўғри талқин қилингани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, асарнинг “Унда бўлус Fози деди, Ҳам муфти, ҳам қози деди, Юрт барча норози деди, Қилғон иши озор экан” тарзида ғоявий таҳрирдан ўтган нуқсонли бандини таҳлил этар экан, Ҳомил Ёқубов мана бундай ёзади: “Шоир бу ердан Дўрмонча мавзууга ўтади. Бу ернинг бўлуси ҳам Исо саркордан сира қолишмайди. У эртаю кеч кўкнори ичиб, бадмаст ҳолда юради ва бир неча мансабни ўз кўлига киритиб олган” [Ёқубов,



1953: 99]. Абдурашид Абдуғафуровнинг фикри ҳам худди шундай: “Қишлоқдаги барча мансабларни әгаллаб олган амардорнинг золимлиги, “озор” бериши, “юрт”нинг эса “норози”лиги каби катта ижтимоий мазмун түғридан-түғри яхлит ва дангал ифодаланган” [Абдуғафуров, 1976: 65]. Фулом Каримов мазкур бандга батағсилроқ мулоҳаза билдиради: “Дўрмонча қишлоғининг ҳокими ҳам ярамас феъл-автори билан Ҳожи Исодан қолишмайди. Шунинг учун у ҳам Муқимий танқидидан омон қолмайди. Дўрмончада волость ҳокими (“бўлис бошлиғи”) бўлиб турган Фози исмли киши золимлик билан шухрат қозонган, эл-юрт нафратига учраган эди” [Каримов, 1970: 229]. Ҳолбуки, ушбу талқинларга асос бўлган матн аслиятга зид. Муқимий фикрлари ўзгартирилиб, “ғоявий таҳрир”дан ўтказилган. Аслида, ушбу бандда *Fozи* эмас – ҳожси, “Юрт барча норози” эмас – “Юрти ҳама рози”, “Қилон иши озор” эмас – “Бечора беозор”.

Нашрга тайёрловчилар томонидан амалга оширилган ножоиз таҳрир ана шундай нотўғри талқинларга асос берган. Ҳолбуки, “Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувоғиқ эмас” [Жабборов, 2014: 31]. Адабиётшунослик тадқиқоти аслиятта таянмас экан, ҳақиқатдан йироқ талқинлар юзага чиқади. Мазкур уч тадқиқотдаги ёндашув бир хил қолипда. Қандай қилиб бўлмасин, қози, муфти, ҳожига салбий муносабат билдирилиши керак. Агар адабиётшунослар асарнинг қўллёзмасини текширганларида эди, асл ҳақиқатни англаган, “Саёҳатнома”нинг мазкур бандида мавжуд бўлмаган Фози образи ҳақида шунча асоссиз талқинлар юзага чиқмаган бўлар эди.

Муқимийнинг “Саёҳатнома” асарини матншунослик аспектида ўрганиш матн тарихи тушунчаси, бундан ташқари, адабий ёдгорлик матнига муаллиф тарафидан ва бир неча асрлар давомида хаттотлар, котиблар, шориҳлар, ноширлар, мустабид тузум замонларида цензура томонидан киритилган барча турдаги ўзгартиришларни, ғоявий таҳрirlарни ҳам қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади. Асарни комплекс ўрганишни таъминлаши нуқтаи назаридан ҳам матн тарихини тадқиқ қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятта эга.

Матнга муаллиф иштирокисиз киритилган ҳар қандай таҳрир ёки ўзгартириш бадиий асар моҳиятига путур етказиши жиҳатидан мақсадга мувоғиқ эмас. Бундай ножоиз таҳрир нотўғри талқинларни келтириб чиқаради. Шунга кўра, матн тарихи тушунчаси илмий тадқиқот ишлари аслиятта таяниб олиб борилишини тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Каримов Фулом. Муқимий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. – 1970.
2. Жабборов Нурбой. Ўзбек матншунослиги ва унда матн танқиди, илмий-танқидий матн истилоҳларининг ўрни. /Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари (Илмий мақолалар тўплами).– Тошкент: Mumtoz so'z, 2019. – Б. 9-16
3. Лихачев Д.С. При участии А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во “Алетея”, 2001.
4. Шодмонов Нафас. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба (монография). – Т.: Фан, 2009.
5. Каримов Фулом. Муқимий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. – 1970.
6. Зарифов Ходи. Муқимий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: ЎзРФА нашриёти, 1955.
7. Каримов Фулом. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти. Янги серия, 15 китоб. – Т.: 1957.



8. Шодиев Э. Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан (XIX аср охири XX аср бошлари). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.
9. Ёкубов Ҳомил. Демократ шоир. //Шарқ юлдзузы, – Тошкент, 1953, 9-сон.
10. Абдуғафуров Абдурашид. Муқимий сатираси. – Тошкент: Фан, 1976.
11. Каримов Гулом. Муқимий ҳәёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. – 1970.
12. Жабборов Нурбой. Бадиий матн таҳрирининг хос ҳусусиятлари. /Ўзбек адабиётшунослигига талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). – Т.: Mumtoz so'z, 2014, 28-32-бетлар.

СИНКРЕТИЗМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Дилдора Ганиева,

Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари доктори

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы формирования синкремизма, его место в различных науках, разные толкования в мировой языкоznании и об отдельных видов.

Ключевые слова: синкремизм, нейтрализация, синкремизм падежей, инвариант, морфосинтаксическая конструкция, первичный синкремизм, вторичный синкремизм, простой синкремизм, гнездовой синкремизм, противоположный синкремизм, эффекты полеризации.

Annotation: The article presents the issues of development of syncretism, its importance in different subjects, its various interpretations in the world linguistics and several types of syncretism.

Key words: syncretism, neutralization, syncretism of cases, invariant, morphosyntactic value, primary syncretism, secondary syncretism, simple syncretism, nested syncretism, contrary syncretism, polarity effects.

Француз тилшуноси А.Мартине бир контекстда иккита бир хил шакл турлиға функция бажарсагина, синкремизм ҳақида гапириш мумкинлигини, чунки факат шу контекстни декодлаганды (таҳлил қилганда), қоришиқликни кўриш мумкинлигини таъкидлайди[3,103].

М.Беэрмен, Д.Браун ва Г.Корбетт ўзларининг “Синтаксис-морфология алоқадорлиги. Синкремизм тадқиқи” асарида мазкур ҳодиса ҳақида шундай ёзади: “...синкремизм бу морфология синтаксисга “панд берган” вазиятдир[8,1].” Бунда улар мисол тарзида рус тилидаги *Маша читает книгу – На столе лежит книга, Маша читает письмо – На столе лежит письмо* гапларини таҳлил қилиб, биринчи жуфтликда *книгу* ва *книга* сўзларида бош ва тушум келишиклари шакллари аниқ ажралганини, иккинчи жуфтликдаги *письмо* сўзи эса бош ва тушум келишиклари шаклларини ифода этаётганини, бунда ушбу от кутилаётган морфологик фарқни кўрсатмаётганини таъкидлайди. “Письмо ушбу гапларда бош ва тушум келишикларининг синкремизмини кўрсатяпти, деб кўрсатишмиз мумкин”[8,2].

Э.Симз ҳам синкремизмни бевосита морфология ва синтаксисга боғлайди ҳамда қуидагича ёзади: “Синкремизм бу муайян грамматик ўзгарган (inflected)